Ўлкада XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб чор Россиясининг мустамлакачилик, улуг давлатчилик, шовинистик сиёсати махаллий ахолининг миллий озодлик хара-катлари бошланишига асосий сабаб бўлди.
Тарихий манбаларда, архив хужжатларида чор Россияси кўшинларининг Ўрта Осиё худудига кириб келиши билан, унга карши халк озодлик харакатлари бошланганлиги ва бу чор хукуматининг агдарилишига, колаверса мустакилликка эришганимизга кадар давом этганлиги хакидаги маълумотлар берилади. Бу маълумотлар асосида Ўрта Осиё халкларининг чоризмга карши олиб борган куйидаги энг йирик ва оммавий тус олган курашларини кайд килишимиз мумкин: 1837-1846 йилларда Султон Кенесарин рахбар-лигидаги, кейинчалик Бухоро амирлигининг, Шахрисабз беклигидаги харакатлар, 1871 йилда Эшон Эшмухаммад бошчилигида Сирдарё вилоятидаги чикишлар; 1871 йилдаги Фаргонада Етимхон кўзголони; 1872 йилда Чирчикдаги исёнлар, 1873-76 йиллар Кўкондаги Пўлатхон кўзголони; 1892 йилдаги Тошкент кўзголони; 1898 йилдаги Анди-жонда Дукчи Эшон кўзголони; 1899 йилдаги Сирдарё вилоятидаги харакатлар, 1916 йилдаги Жиззах кўзголони ва бошкалар.
XIX аср 70-йиллар бошларидаги Фаргонадаги халк харакатларини алохида кайд этиш лозим. 1868 йилда Кауфман билан сулх шартномаси тузиб, Кўкон хонлигининг катта худудларини Россия ихтиёрига берган ва Россия хукмронлигини тан олган Ху-доёрхон сиёсатидан нафакат оддий халк, балки йирик ер эгалари хам норози эдилар. Кўкон хонлигида элчи ва жосус вазифасини бажарган полковник Шауфус маълумот-ларига караганда норози беклар тепасида Абдурахмон офтобачи турган. 1872 йилда хон сиёсатига карши халк харакати айникса кучайди. Бундан фойдаланган Аб-дурахмон офтобачи ўз таниши мулла Исхок Хасан ўглини киргизлар орасида Пўлат-хон номи билан кўзголон кўтаришга ундайди ва ўзи хам бу харакатга кўшилади. 1873 йилда бошланган бу кўзголонда оддий халк, дехконлар, хунармандлар фаол иштирок этдилар ва бу харакат бутун Фаргона водийси бўйлаб ёйилди. Худоёрхоннинг ўгли Насриддинбек бошчилигидаги хон кўшинлари хам кўзголончиларни кўллаб-кувватладилар. Бу вокеадан кўркиб кетган Худоёрхон рус хокимиятидан бошпана сўраб, Тошкентга кочди. Кўкон тахтига унинг ўгли Насриддинбек (1875-76) хон килиб кўтарилди.
Кўзголончилар келишувига биноан эса Пўлатхон хон этиб сайланиши керак эди. Насриддинбекнинг хонликка кўтарилиши ва унинг хам руслар билан келишув сиёса-тини олиб бориши, кўзгонлочилар ўртасида норозилик келтириб чикарди. Натижада Маргилон, Наманган, Андижон худудларида Пўлатхон тарафдорлари ерларни кам-багалларга бўлиб бериб, хон сиёсатига карши чикдилар. Кўкон хонлигининг русларга карашли бўлган ерларида хам норозилик чикишлари авж ола бошлади. Бу рус хуку-матини хавотирга солиб кўйди ва Кауфман Кўкон хонлигини тугатиш тўгрисида под-шонинг розилигини сўраб, илтимоснома жўнатди. Кўкон хонлиги худудига эса Скобе-лев бошчилигида харбий жазо отряди киритилди. Бу вактда Насриддинхон хокимият-дан четлаштирилиб, водийда Пўлатхоннинг мавкеи ошиб кетган эди.
Харбий жихатдан устун бўлган рус кўшинлари кўзголончи-ларни тезда маглубият-га учратди. Пўлатхон кўшинлари харакатининг иккинчи боскичи 1875 йили Оханга-рон, Телов, Пскент ва Тошкентда бўлиб ўтган харакатларни ўз ичига олади. Бу хара-катларда каттик зарбага учраган кўзголончилар 1876 йили Андижонда, Олой водий-сида курашни давом эттирдилар. Аммо харбий жихатдан кучлар тенг эмас эди. 1876 йил 1 мартда

Пўлатхон тутиб олиниб Маргилонда осиб ўлдирилди. Бошка кўзголон-чилар хам каттик жазоланди. Подшонинг буйруги билан Кўкон хонлиги тугатилиб, Фаргона вилояти ташкил этилди.
Фаргона водийсида бўлиб ўтган 70-80-йиллардаги халк харакатларида Курбонжон додхох, Етимхон, Дарвишхон тўра, Ёкуббек бошчилигидаги кўзголонларни алохида кайд килишимиз зарур. Курбонжон додхох рус кўшинларига карши курашда шарк аёлларининг кахрамонлигини, жасоратини намоён этди. Манбаларнинг маълумот бе-ришича, генерал Скобелев сулх тузиш учун майор Ионовни Курбонжон додхох хузу-рига жўнатади. Аммо Курбонжон додхох майорни кабул килмай факат ўз мавкеи би-лан тенг бўлган саркарда билангина музокаралар олиб бориши мумкинлигини билди-ради. Чорасиз колган рус генерали Скобелев у билан сулх тузишга ва уни «Олой ма-ликаси», деб тан олишга мажбур бўлди. Курбонжон додхохнинг набиралари 1898 йилги миллий озодлик кўзголонида хам фаол катнашганлар Рус амалдорлари доимо Олой маликасидан хайикишган. Шунинг учун губернаторлар унинг олдига тез-тез ке-либ туришган. 1901 йилда Россия империяси Курбонжонга императрицанинг совгаси-ни шахсан топширган. Курбонжон додхох 1907 йилда Ўшда 96 ёшида вафот этган.
Ўрта Осиё халкларининг мустамлакачиларга карши курашида Ёкуббек ва у бошкарган Еттишахар давлати (1865-1877) хам мухим ўрин эгаллайди. Чунки улар Кўкон, Бухоро, Хива ватанпарварларининг рус боскинчиларига карши курашларида ёрдам бериб туришган. Шу сабабли Туркистондаги сўнгги мустакил давлатни тугатиш Россия учун кечиктирилмас вазифа бўлиб колди. 1877 йил 22 июнда рус кўшининг ўулжага бостириб кириши шу максадни амалга оширишга каратилган эди. Амир Ёкуббекнинг тўсатдан вафот этиши Еттишахар давлати кўшининг маглубиятга уч-рашига сабаб бўлди. Окмачит, Чимкент, Тошкент мудофааларини ташкил килишда жонбозлик кўрсатган Ёкуббек Туркистон озодлиги учун кураш йўлида жон бахшида этган кахрамонларимиздан биридир.
1878 йили Мингтепада чоризмнинг сиёсий- иктисодий зулмига карши Етимхон бош-чилигидаги галаён кўтарилди. Бундай галаён 1879 йилда Фаргона вилоятида хам содир бўлди. Бу кўзголонлар куч билан бостирилса хам ахолининг кахр-газабидан хавфсира-ган Фаргона вилояти губернатори гайри-конуний солик йигувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлди.
1889-1890 йилларда Фаргона водийси ва Тошкент худудларида кўплаб халк хара-катлари, куролли тўкнашувлар бўлиб ўтди. Шулардан бири Дарвешхон кўзголонидир. Андижон уездининг Кўргонтепа волостида юкори табакага мансуб бўлган ватанпар-вар Дарвешхон кўшин тўплашга киришди. У мустамлакачилик тузумига карши очикдан-очик куролли кўзголонга тайёргарлик кўрди, аммо Фаргона вилояти харбий маъмурлари катта куч юбориб Дарвешхон кучларини тор-мор этди, унинг ёрдамчиси Мўминбой ушлаб олиниб, дорга осилди.
1892 йилги кўзголон кўплаб тарихий адабиётларда рус хукуматини ўлканинг бир канча шахарларида вабо касали таркалишининг олдини олиш учун Тошкент шахрида кўрилган чора-тадбирларига карши кўтарилган кўзголон деб таърифланган бўлса-да, аслида бу кўзголон чор Россиясининг ўлкада кўп йиллар давомида олиб борган мус-тамлакачилик сиёсатига карши каратилган эди.
Рус хукуматининг вабони олдини олиш учун кўрган чора-тадбирлари давомида махаллий ахолининг диний эътикодлари, урф-одатлари хисобга олинмаганлиги на-тижасида сабр косаси тўлган халк оммасининг норозилиги кучайди. Натижада бу кўзголонда Тошкент

шахри ахолисининг барча катламлари иштирок этди. Махаллий ахолининг миллий-маданий анъаналарига хос диний байрам «Курбон хайит» куни бошланган бу кўзголон, тезда чор аскарлари томонидан бостирилиб, кўзголончилар-дан 8 киши дорга осиб ўлдирилишга, 15 кишини 2 йил муддат билан махбуслар рота-сига юборилишига, 2 кишини олти ойдан камок жазосини ўташга хукм килишди. Ле-кин чор Россияси дунё матбуотчилари олдида бу жазолар шов-шувга сабаб бўлиши-дан чўчиб, ўлим жазони умрбод сургун билан алмаштирди. Бу кўзголон Тошкент шахрининг ўзида юз берган бўлса-да, унинг акс садоси бутун Туркистон ўлкаси бўй-лаб таркалди.

XIX аср охирларида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига карши ўлка халклари-нинг миллий озодлик харакатининг яна бир ёркин намунаси 1898 йил май ойида Ан-дижонда бўлиб ўтган Дукчи Эшон кўзголони оркали намоён бўлди. Бу кўзголон рахбари Мухаммадали Эшон ўз даврининг обрўли, диний ва дунёвий илмлардан бо-хабар, давр сиёсатини тўгри тушунган шахс эди. У ўз муридлари ва хамфикрлари би-лан боскинчиларнинг халкка карши олиб бораётган зулмкор сиёсатини коралар ва бунга карши хар кандай харакатни маъкуллар эди.

Дукчи Эшон Мингтепа кишлогидан туриб Фаргона шахарлари ва киргиз ерларида-ги мустамлакачилардан норози ахолини бирлаштириш ва бу зулмни агдариб ташлаш учун харакат бошлади. Кўзголон олиб бориш усулларидан бехабарлик, бирликнинг йўклиги, уюшмаганлик, курол-аслаха ва моддий базанинг етишмаслиги кўзголоннинг тезда маглубиятга учрашига сабаб бўлди, айникса кўзголоннинг келишилган муддат-дан олдин бошланиши, харакат маглубиятининг асосий сабабларидан бири бўлди. Кўзголон бостирилиб, унинг рахбарлари каттик жазоланди. Кўзголон натижасида Фаргона вилоятида ва бутун Туркистон генерал-губернаторлигида харбий полиция режими кучайтирилди.

XX аср бошларига келиб Россиядаги ижтимоий, сиёсий вазият Туркистонга хам ўз таъсирини кўрсатди. Ўлка худудида демократик-инкилобий харакатлар авж ола бош-лади. Бу харакатларни биз нафакат рус ахолиси орасида, балки махаллий мехнаткашлар орасида хам кузатамиз.

Туркистон ўлкаси худудида темир йўлларнинг курилиши, завод ва фабрикаларнинг ишга туширилиши Россия марказига кўплаб ўлка бойликларини чикиб кетишини осонлаштирди. Бу жараён махаллий ахоли ахволини янада огирлашувига сабаб бўл-ди. Туркистон ўлкаси худудида дехконлар галаёнлари, норозилик чикишлари ортиб борди. Россиянинг 1914 йилда бошлаган биринчи жахон урушига тортилиши натижасида махаллий халкдан олинадиган соликлар микдори ошиб борди. Туркистон ўлкаси худу-дида ерсиз дехконларнинг сони кўпайди. Чор хукуматининг 1916 йил 25 июнда «Уруш бораётган жойларда мудофаа ва харбий иншоотларни куриш, шунингдек, давлат му-дофааси учун зарур бўлган жамики бошка ишларни бажариш учун рус бўлмаган ахолининг эркак кисмини жалб этиш тўгрисидаги» фармони эълон килинди. Ушбу фармонга мувофик хозирги Ўзбекистон худудларидан 19-43 ёшгача бўлган 250 мин-гдан зиёд эркак ахоли фронт ортидаги ишларга (мардикорликка) чакириладиган бўлди. Мардикорликка кетадиганлар уч ойда кайтиб келишлари ва бунгача уларнинг ои-лалари хукумат томонидан таъминланиши ваъда килинди. Рўйхатга олиш давомида амалдорлар бойлик орттириш пайида бўлишиб, бойларнинг болаларини пул эвазига рўйхатга киритишмади. Бу халк норозилигининг ортиб боришига сабаб бўлди. 1916 йил июл ойидан махаллий ахолининг кўзголони бошланди. 4 июл куни Хўжандда, 5 июл Самарканд вилоятида, 9 июл куни Кўкон уездида, 10 июл куни Маргилонда, 11 июлда

Самарканд ва Тошкентда мардикорликка олишга карши кўзголонлар бошлан-ди. 1916 йил 18 июлда бутун Туркистон харбий холатда деб эълон килинди.
1916 йилдаги харакатларнинг энг кучайган нуктаси 13 июл куни бошланган Жиз-зах кўзголони бўлди. Жиззахдаги кўзголонга Назирхўжа Абдусалом ўгли, Абдурахмон Жевачи каби халк йўлбошчилари бошчилик килиб, ахолини мустакил беклик тузишга чакирдилар. Кўзголон давомида темир йўл бекатлари, кўприклар вайрон килинган. Жиззахнинг янги шахарига етиб келган полковник Афанасьевнинг жазо отряди кўзголончилардан енгилди. Шундан кейин Туркистон генерал-губернатори юборган полковник Иванов бошчилигидаги катта харбий кучларга эга бўлган жазо отряди кўзголонни шафкатсизлик билан бостиради. Чор кўшинлари билан сўнгги тўкнашув 1916 йил 21 июлда Килич кишлогида бўлиб ўтди. Мингга якин киши хибсга олиниб, жазоланди. 1916 йилги кўзголон хукмрон синфларнинг зулмига карши каратилган халк кўзголони эди. Кўзголонни харакатга келтирган асосий куч дехконлар ва хунар-манд камбагаллар бўлди.
Кўзголончиларни махаллий зиёлилар, рухонийларнинг бир кисми кўллаб-кувватлади. Кўзголон бостирилгач, унинг йўлбошчилари жазога тортилиб, ўлимга махкум этилди. Жами 51 киши катл этилди, 168 киши сургун килинди, 128 киши камалди, 228 киши турли жазо хизматларига сафарбар этилди. 1916 йилги кўзголон бутун мустамлакачилик давомида Туркистондаги энг кудратли ва уюшган кўзголон бўлди.